Тўққиз хотинлик ҳикмати

19:50 / 19.04.2017 4186

Исломиятнинг шонли тарихи инсоният тарихининг ажраламас бир бўлаги сифатида эътироф қилинади. Албатта, бу тарихнинг енг нодир жавоҳири еса ҳазрати Муҳаммад(с.а.в) ҳаёти-сийратларидир. Ўтмишнинг ушбу тарихий босқчини диққат билан ўрганар еканмиз ҳазрати Муҳаммад (с.а.в) ҳаётларидаги ўта нозик ҳикматларга дуч келамиз. Шулардан бири ҳазрати Муҳаммад(с.а.в) нинг бир пайтнинг ўзида тўққиз аёлни ўз никоҳларида тутганликларидир. Мазкур тарихий воқеълик кўпчилик шарқшуносларнинг ҳам баҳс мавзусига айланиб, Муаҳҳаммад(с.а.в) шаънига турли бўхтонли гапларни айтганлар ва айтиб келмоқдалар. Аслида бунинг ҳақиқати нимада? Нима сабабдан ҳазрати Пайғамбар(с.а.в) бошқа мусулмонларга тўрттадан ортиқ аёлга уйланмасликга буюриб ўзлари тўққиз аёл билан никоҳда бўлганлар? Бунинг илоҳий сабабияти борми? Шу ва шунга ўхшаш ҳикмати кўпчилик мусулмонларни ҳам қизиқтирадиган масалаларга Аллоҳнинг нусрати соясида жавоб беришга уриниб кўрамиз.

Аслида ислом нозил бўлган араб жамиятида аёлларни никоҳга олиш миқдори чегараланмаган бўлиб, ҳар ким хоҳлаган миқдорда аёлларга уйланар, бу борада ҳеч қандай чеклов йўқ эди. Албатта, бу ҳол аёлларни камситиш ва уларга бир мато сифатида муомалада бўлишни тақазо этар эди. Ислом дининг нузули арабларнинг бошқа разил одатлар қатори бу одатига ҳам чек қўйди ва ўнлаб аёлларни никоҳга олиш манъ қилиб унинг миқдори қатъиян тўрттага туширди. Шу билан бирга, тўрттага уйланишликда ҳам улар ўртасида адолат шарт қилинди. Шундан сўнг ҳазрати Пайғамбар(с.а.в) саҳобаларга аёлларидан тўрттасини олиб қолиб қолганларини талоқ қилишни буюрдилар. Лекин, Аллоҳ Ўз пайғамабарини бу ҳукмда хослаб, никоҳида бўлган тўққиз аёл билан никоҳда қолишга рухсат берди ва бундан сўнг бошқа уйланмасликни буюрди. Шу ерда масаланинг муҳим жиҳати бор, яъни тўртта билан чекланиш ояти тушганида шундоғ ҳам ҳазрати Пайғамбар(с.а.в) никоҳларида тўққизта аёл бор эди. Бу аёлларга мазкур оятдан кейин уйланган эмаслар, балки бу оят нозил бўлишидан аввал уйланган эдилар. Энди мазкура аёлларнинг бештасини талоқ қилиб қолган тўрттасини олиб қолиш керакми ёки йўқми деган масалада Аллоҳ Пайғамбаримиз(с.а.в) га уларни талоқ қилишга рухсат этмади. Бунинг эса қуйидаги сабаблари ва илоҳий ҳикматлари бор

эди :

Биринчидан, ҳазрати Муҳаммад (с.а.в) аёллари мусулмонлар орасида алоҳида мақом соҳибалари бўлиб, Аллоҳ уларни “Пайғамбарнинг аёллари мўминларнинг оналаридирлар”(Аҳзоб/6)дея мўминларнинг оналари мартабасига кўтаради. Агар Расулуллоҳ(с.а.в) улардан бирига талоқ қўйганларида, бундан кейин онаси мартабасидаги аёлга ким уйланар еди? У муҳтарама бутун умрини ёлғиз ўтказмасмиди? Қолаверса, Расулуллоҳ (с.а.в)нинг аёлларидан бири талоқ қилиниб “умм ул-муъминин”лик мақомидан маҳрум этилиши ва бошқаларининг еса бу шарафли мақомда қолиши талоқ бўлган аёлга нисбатан адолатсизлик бўлмасмиди?

Иккинчидан, Аллоҳ ҳазрати Муҳаммад (с.а.в)дан кейин унинг аёлларига уйланишни бутун мўминларга ҳаром қилган(Аҳзоб/53).Уларга ҳазрати Муҳаммад (с.а.в)дан кейин ҳеч ким уйланган эмас. Тасаввур қилайлик, агар, ҳазрати Пайғамбар аёлларидан бирортасини талоқ қилганларида ҳам у аёл бутун умри давомида бирор кимсага турмушга чиқа олмас эди. Бу еса унинг учун қилмаган гуноҳига жазо бўлиб, унинг ҳаққига зулм бўлиши турган гап эди. Ваҳоланки, бу илоҳий адолатга зиддир.

Қолаверса, ҳазрати Муҳаммад (с.а.в)нинг аёллари Аллоҳнинг наздида ҳам бошқа муъминалар каби эмас эдилар. Зотан, Аллоҳ уларга агар яхши амал қилсалар бошқа аёллардан кўра икки баробар мукофот беришини ва агар ёмон амал қилсалар бошқаларидан кўра икки баробар жазо беришни айтади(Аҳзоб/30). Зеро, пайғамбар аёли бўлишдек юксак мартабани Аллоҳ Ўзи хоҳлган бандасига беради. Шундай екан Аллоҳ берган бундай тенгсиз неъматдан умм ул-мўмининлар қандай маҳрум етилсин.

Шу ўринда айрим жоҳилларнинг Расулуллоҳнинг(с.а.в) тўққиз аёлга уйланганликлари аёлларга мойиллик ва шаҳват тақазоси деб баҳолашларига эътироз билдириб кетмоқчимиз. Агар иш ҳақиқатдан ҳам улар айтганидек бўлганида эди ҳазрати Муҳаммад (с.а.в) йигитлик чоғларида ўзларининг илк никоҳларини ўзларидан ўн беш ёш катта бўлган ва қолаверса икки марта турмуш қуриб фарзанд ҳам кўрган бева аёл билан боғлармидилар. Агар хоҳлаганларида ўзларидан анча ёш бокира қизга уйланган бўлмасмидилар. Зотан, маккаликлар шароити қизларни тўққиз - ўн ёшдан турмушга беришни тақазо этар эди. Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в)дек асл насабли йигитга ким йўқ дер эди. Ваҳоланки, ҳазрати Муҳаммад (с.а.в) ўзларининг енг гуллаган ёшлик чоғларини ҳазрати Хадича (р.а) билан ўтказдилар ва бошқа бирорта аёлга уйланмадилар . Ҳазрати Хадича (р.а) вафот этганларидан кейингина эллик уч ёшга

этганларида қолган аёлларга уйлана бошлаганлар. Шулардан ҳам фақат Оиша (р.а) бокира бўлиб, қолган ҳаммалари аввал турмуш қуришган бўлишган. Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в)нинг уларга уйланишларининг ҳар бири ҳам алоҳида тарихий ҳодисаларга боғлиқ бўлиб, ёқтириб қолганликлари ёки шаҳват тақазосидан бўлган эмас. Булар Яҳудий қабиласи раисиннг қизи София (р.а)га уйланиб қон тўкилишини олдини олишлари, асосий душман бўлмиш Абу Суфённинг қизи Умму Ҳабиба (р.а)га уйланиб орани ислоҳ қилишга ҳаракат қилишлари, қавмининг исломга мойиллигини уйғотиш учун Жувайрия (р.а)га уйланишлари, дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш учун Абу Бакр ва Умар(р.а)нинг қизларини никоҳга олишлари ҳамда Усмон ва Али(р.а)ларга қизларини турмушга беришлари ва қўйингки Расулуллоҳ(с.а.в)нинг ҳар уйланишлари аниқ бир сабаб ва тарихий воқеъликга боғланар эди.

Сўзимиз интиҳосида шуни айтамизки, албатта мўминлар учун ҳаётининг ҳар қиррасида Расулуллоҳ(с.а.в) да гўзал ўрнаклар бордир. Оилавий муносабатарида ҳам хоҳ аёли бева ёки бокира бўлсин , хоҳ ёши ўзидан катта ёки кичик бўлсин, хоҳ гўзал ёки хуник бўлсин, хоҳ дўстининг қизи ёки душманинг қизи бўлсин, хоҳ ўз миллатидан ёки бошқа миллатдан бўлсин нима бўлганида ҳам аёлига гўзал муносабат кўрсатишда ҳазрати Муҳаммад (с.а.в)дан намуна олаверади. Расулуллоҳ(с.а.в) бунақасига уйланмаган эдилар дея баҳона кўрсатишга асос қолмайди. Чунки, ҳазрати Муҳаммад(с.а.в)да буларнинг барида гўзал ўрнаклар бордир .

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қуръони Карим маънолари таржимаси. Абдулазиз Мансур . Т-“Тошкент ислом университети нашриёти”. 2001-й.

2. Нур ал-Яқийн ва Итмом ал-Вафо. Шайх Муҳаммад Ҳударий. Тошкент-“Мовараннаҳр”,1992.- 442 б.

Ойбек Қамбаров